



## 2021 йил – МДХ ДАВЛАТЛАРИДА «АРХИТЕКТУРА ВА ШАҲАРСОЗЛИК ЙИЛИ»



Қурилиш соҳасида ҳамкорлик бўйича Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ҳукуматлараро Кенгашининг 40-йиғилишига Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги раислик қилди.

Сўнгги йилларда мамлакатимиздаги бунёдкорлик ишлари кескин суръатларда ортиб бормоқда ва бу йиғилиш қатнашчилари томонидан муносиб эътироф этилди. Хусусан, жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида, юртимизда жами 65,2 трлн сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан 108,6 фоизи ташкил этди. Қурилиш ишларининг энг юқори ҳажми Тошкент шаҳрига тўғри келиб, 2020 йилни январь-сентябрь ойларида республика бўйича жами қурилиш ишларининг 20,5 фоизи ёки 13,4 трлн сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, шунингдек, Тошкент (7,1 фоиз) ва Бухоро (6,2 фоиз) вилоятларида ҳам бошқа ҳудудларга нисбатан кўпроқ ҳажмдаги қурилиш ишлари амалга оширилди.

Қурилиш соҳасида ҳамкорлик бўйича Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ҳукуматлараро Кенгашининг 40-йиғилишида бир қатор долзарб масалалар муҳокама қилинди. Айниқса, Беларусь Республикаси вакиллари томонидан билдирилган ижтимоий йўналишдаги уй-жойларни қуришда энергия тежамкор технологиялардан кенг фойдаланиш борасидаги таклифлар қатнашчилар томонидан қизғин кутиб олинди ва катта баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Шунингдек, Қури-

лиш вазирининг биринчи ўринбосари Шерзод Ҳидоятоннинг қурилиш жараёнида «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимини жорий қилиш мавзусидаги тақдироти юзасидан ҳам салмоқли фикрлар айтилди. Шунингдек, тадбирда МДХ мамлакатларининг уй-жой қурилиши индустриясини ривожлантириш стратегияси, қурилишда классификациялаш ва кодлаштиришнинг ягона тизими тўғрисидаги маърузалар тингланди.

– Бугунги йиғилишда кўплаб янгилик ва инновациялар тақдироти бўлиб ўтди. Бу эса соҳамиз ривожига муҳим аҳамиятга эга. Президентимиз томонидан яқинда Сергелида ижтимоий объектлар ва уй-жойлар қурилиши бўйича аниқ кўрсатма ва вазифалар берилганди. Мазкур йўналишдаги ишларимизни жадаллаштириш мақсадида МДХ мамлакатлари билан кенг миқёсдаги ҳамкорлик ишларини йўлга қўйишга қаратилган қўшма баённи бугун анжуман доирасида тасдиқладик. Бундан буён ҳамкорлик ишларимиз мутлақо янги босқичга кўтарилади, – деди Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазири Батир Закиров. – Фикримча, бугунги тадбиримиз жуда самарали ўтди. Албатта, ҳозирда энг долзарб масалалардан бири бу Ўзбекистондаги қурилиш нормалари ва қоидаларини янгилашдир. Бу

борада катта мақсадларимиз бор. Йиғилишда қозғолганлик ҳамкасбларимиз қурилишдаги замонавий стандартлаштириш, BIM технологияларини ривожлантириш бўйича қурилиш кодлари ҳақида ўзларининг тажрибалари билан ўртоқлашишди. Албатта, рақамлаштириш бу бизнинг соҳамизда ҳам жуда катта прогрессив йўналиш ҳисобланади. Бу борада амалий ишларимиз бошлаб юборилган ва қозғолганлик ҳамкасбларимиз билан ҳамкорлик ишларини янада кенгайтиришни мақсад қилдик. Бугун тадбирда кўтарилган мавзулар, нафақат Ўзбекистондаги қурилиш соҳаси, балки МДХ мамлакатларининг барчаси учун бирдек фойдали бўлди, деб тўла ишонч билан айта олам. Зеро, истиқболдаги режалар ва келгусидаги фаолиятимиз учун аниқ йўналишларни белгилаб олишда унинг аҳамияти каттадир.

Шунингдек, тадбирда 2021 йил МДХ давлатларида «Архитектура ва шаҳарсозлик йили» сифатида белгилангани ва унинг доирасида ўтказилиши режалаштирилган тадбирлар бўйича ҳам аниқ таклифлар айтилиб, самарали келишувларга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси  
Қурилиш вазирлиги  
Матбуот хизмати.

## Самарқандда 25 қаватли уй қурилади

Самарқанд вилоят ҳокимлиги қошидаги қурилиш-бунёдкорлик ишларининг қонун талаблари асосида олиб борилишини таъминлаш, ноқонуний қурилишларнинг олдини олиш бўйича шаҳарсозлик Кенгашининг навбатдаги йиғилишида Самарқанд шаҳрининг Кимёгарлар қўرғони, Қорасув массиви, Беруний, Озод Шарқ кўчалари ва Паст Дарғом тумани Найман маҳалласида барпо этилиши режалаштирилган кўп қаватли уй-жойлар қуриш лойиҳа эскизларининг тақдироти ўтказилди.

Вилоят ҳокими бошчилигидаги кенгаш аъзолари ҳар бир лойиҳани бирма-бир таҳлил қилди. Лойиҳалаштирилган биноларнинг ён атрофидаги мавжуд иншоотлар билан тегишли масофаси мавжудлиги, автомобиллар тўхташ жойлари, болалар майдончаси ташкил этилиши ва уларнинг жойлашувига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўнга яқин лойиҳалар кўриб чиқилди. Аммо аксарияти кўп қаватли биноларни қуришга оид лойиҳаларнинг деярли ҳаммаси рад этилди ва уларнинг жойида қуришга қарор қилинди.

Кенгаш йиғилиши доирасида Э. Турдимов Самарқанд шаҳрининг Қорасув массивида барпо этилиши кутилаётган 25 қаватли турар-жой биноси ҳамда истироҳат боғи қурилиш ишлари билан танишди.

Массивдаги кўп қаватли уйнинг ертўла қисмида фаолиятини бошлаган тикувчилик цехи кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Ушбу цехда 80 дан зиёд хотин-қиз иш билан таъминланган ва уларнинг асосий қисми шу ҳудудда яшовчилардир. Шунингдек, бу ерда турли спорт ва фан тўғрисидаги фаолияти йўлга қўйилган.



Келгусида массивдаги бошқа кўп қаватли уйлар ертўласида ҳам шу каби ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этиш таклифи билдирилди.

## Жомбойликлар учун қулайлик

175 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган туман аҳолиси эндиликда замонавий қулайликларга эга, инновацион марказ биносидан тезкор ҳамда шаффоф хизматлардан баҳраманд бўлади.

– Бир неча йиллар олдин арзimas юшларни бажариш учун айрим давлат идоралари эшиги олдида сарғайиб ўтирилди, – дейди меҳнат фахрийси Т. Воҳидов. – Биргина, уй-жойимнинг кадастри учун қилган югургуларни эслагим келмайди. Эндиликда, бундай сарсонгарчиликлар йўқ. Шундай яхши ташаббуслар кўпаяверсин.

– Жомбой тумани Давлат хизматлари маркази орқали аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига 2020 йилнинг ўтган 10 ойи давомида жами 24177 та давлат хизмати кўрсатилган, – дейди марказ директори Р. Раҳматов.

Хусусан, 1069 та тадбиркорлик субъектлари давлат рўйхатидан ўтказилди. Шунингдек, хорижий инвестиция иштирокидаги 4 та корхона давлат рўйхатига олинди. Янги бинода аҳолига хизмат кўрсатиш сифати янада ошиб, бу кўрсаткични икки баробарга ошириш кўзда тутилган.

Марказнинг янги биноси давлат-хусусий шерикчилик асосида қурилган бўлиб, энг замонавий ахборот технологиялари воситалари билан жиҳозланган. Марказга киришингиз билан сизни хушмуомала ходимлар кутиб оли-

шади ва тегишли тартибда йўналтиради. Электрон навбат тизими 4 та мониторда акс этади, 20 та қабул ойнасида кўрсатиладиган хизматларда шаффофлик асосий мезон саналади.

Таъкидлаш жоизки, илгариги бинода кутиш залининг торлиги боис, муружаатчилар ичкарига кирса, қолганлари йўлакда кутиб қолишарди. Бу эса аҳоли учун ноқулайлик туғдирарди.

Марказ биносидан туман фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзиш бўлими, тадбиркорлар учун Бош вазир қабулхонаси, инвесторлар хонаси, нотариус бўлими, банк кассаси ташкил этилган. Бундан ташқари, кутиш залида муъжаз кутубхона мавжуд бўлиб, фуқаролар бу ерда жаҳон ва ўзбек адабиётининг дурдона асарларини мутолаа қилиш имкониятига эга бўлишади.

Аҳоли учун барча шарт-шароитларни ўзида мужассамлаштирган Давлат хизматлари марказининг инновацион биноси барпо этилишида «Алижон қурилиш сервис» МЧЖ қурилиш жамоаси жонбозлик кўрсатди.

Самарқанд вилояти ҳокимлиги  
Ахборот хизмати.

- Chillerlar va fankoyllar
- Kanalli konditsionerlar
- Issiqlik rekuperatsiyasiga ega VRF tizim
- Multi-split tizim
- Havoni qayta ishlovchi qurilma
- (AHU pritochkasi)
- 1\*1 kassetali konditsionerlar
- Monoblok sovutish tizimlari va split
- Sovutish tizimlari
- Ventilyatsion tizimlar diffuzori

BEPUL LOYIHALASHTIRISH

+99871 202-22-20 +99899 010-00-30





АЛИШЕР НАВОЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 580 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

# МАЪНАВИЙ ҲАЁТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИГА ЙЎЛЛАНМА



Президентимизнинг «Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги тарихий қарори ҳалқимиз маънавий ҳаётига, руҳига янги ҳаётбахш насимлар каби бир фараҳбахш тўлқин олиб кирди. Қарорда таъкидланганидек, «Жонажон Ватанимиз «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйиб, янги Ўйғоншиш даври – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси мисолида ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда».

Аслида инсоният онгу тафаккури ҳар қандай ижтимоий ва иқтисодий таназзул даврида ҳам ривожланишдан, юксалишдан тўхтамайди. Бу жараёни ҳеч нарса билан тўхтатиб бўлмайди. Турли соҳалардаги бир неча асрлик кашфиётлар тадрижи кузатилса, бунга амин бўлиш мумкин. Бироқ бадиий ижод жараёнларида баъзан фавқуллоҳда вужудга келган тўлқинлар, юксалишларнинг юзлаб йиллар ўтса-да, тақдоран намоён бўлиши қийин. Шунинг учун ҳам даҳо мутафаккирлар томонидан яратилган юксак бадиий ижод намуналари завол топмайди, улар бебаҳолигича ўз қимматини йўқотмай абдий қолаверади. Буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг улмас ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожига алоҳида ўрин тутишини ҳам худди шу абдиёт қонуни билан изоҳлаш мумкин.

Қарорда шоир таваллудининг 580 йиллигини нишонлашни юксак даражада ташкил этиш бўйича барча масалалар қамраб олиниши билангина чекланилган эмас, балки буюк мутафаккир меросини кенг қўламада ўрганиш, ҳаётга татбиқ этиш орқали халқ тафаккурига буюк ижодкорлик руҳини синдириш лозимлиги ҳам назарда тутилган. Зотан, тараққиёт ва юксалиш йўлидаги ҳар қандай ҳаётий муаммо ва вазифалар ечими фақат ижодий ёндашувлар билангина ҳал этилиши мумкин. Ҳақиқатан, ҳазрат Алишер Навоий асарларида теран ифода топган миллий ва умуминсоний ғояларнинг жаҳон тамаддунида муҳим ўрин тутиши, ўсиб келаётган ёш авлодининг интеллектуал салоҳиятини ошириш, улар қалбига юксак ахлоқий ва ижодий фазилатларни тарбиялашдаги аҳамияти бекиёслиги

янги Ўйғоншиш даври пойдевори учун асос бўлиши, шубҳасиз.

Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини мамлакатимиз ва халқаро миқёсда кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди ташкил этилиши, улуғ шоирнинг ижодий меросини чуқур ўрганиш ва оммалаштиришга улкан ҳисса қўшган мамлакатимиз ва хорижий давлатлар фуқароларини ҳамда илмий-ижодий муассасаларини тақдирлаш мақсадида Алишер Навоий ордени таъсис қилиниши, хорижий давлатларда сақланаётган Алишер Навоий қаламига мансуб ва у яшаган даврга оид қўлёзмаларнинг факсимиле-нускалари мамлакатимизга олиб келиниши, Ўзбекистон Миллий кутубхонасида буюк мутафаккир асарлари ва навоийшунослик фани бўйича амалга оширилган илмий тадқиқотларнинг электрон платформаси яратилиши, Тошкент шаҳрида Алишер Навоий номидаги Ижод мактаби ташкил этилиши, Навоий шаҳрида «Алишер Навоий ижодий меросининг башарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция уюштирилиши каби жуда долзарб вазифалар қаторида амалга оширилаётган чора-тадбирлар дастурида Самарқанд шаҳридаги Алишер Навоий тахсил олган Фазуллоҳ Абуллайс Самарқандий мадрасасини таъмирлаш ва унинг ҳудудини ободонлаштириш, Алишер Навоийнинг янги тахриридаги 20 жилдлик мукамал асарлари тўпламини, рус тилидаги 10 жилдлик асарлари ҳамда Алишер Навоийга бағишланган китоб-альбомнинг нашрини амалга ошириш, тўрт жилдлик «Алишер Навоий энциклопедияси»ни, беш жилдлик «Алишер Навоий асарларининг изоҳли луғати»ни нашр этиш каби маънавий ҳаётимизда катта роль ўйнайдиган ишлар белгилаб қўйилган.

Булардан ташқари, мен олимлар олдида қўйилган алоҳида аҳамиятга эга бўлган муҳим вазифалардан иккитаси ҳақида тўхталишни лозим топаман. Булардан бири – Фанлар академияси, Олий ва Урта махсус таълим вазирлигига 2020-2021 йиллар давомида Алишер Навоийнинг қўлёзма манбалари асосида шоир асарларининг мукамал илмий нашрини яратиш ишларини амалга ошириш вазифаси топширилганидир. Бу вазифа жуда мураккаб иш бўлиб, уни амалга ошириш кенг миқёсдаги матншунослик ишларини олиб боришни тақозо қилади. Айтиш лозимки, бу борада ҳозиргача айрим ишлар амалга оширилган бўлса-да, улар мукамал илмий нашр саналиши қийин. Чунки бизнинг адабиётимиз тарихи манбалари, жумладан, Навоий асарлари матнининг илмий нашри хусусида сўз борганда уларнинг биз кўп таянадиган рус ёки Европа матншунослигидаги бу тушунча маъносидан кескин фарқ қилишини ҳисобга олиш зарур. Афсуски, ҳозиргача ўзбек матншунослигида бу муаммонинг назарий методологик асослари ишлаб чиқилмаган. Қарорда белгиланган илмий нашрни амалга ошириш учун, албатта, унинг назарий методологик асослари, локал унинг дастлабки тамойиллари ҳам вужудга келади.

Иккинчиси – Инновацион ривожланиш вазирлиги тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда Алишер Навоий ҳаёти ва ижодий меросини тадқиқ этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси талабларига мувофиқ илмий лойиҳалар танловини ўтказиш, яъни давлат томонидан навоийшунослик ривожини қўллаб-қувватлаш орқали буюк мерос моҳияти кенг ва чуқур очирилишига эришилади, янги кашфиётлар дунёга келади. Бу тадбир навоийшунослар ва матншунослар учун жаҳон кутубхоналари ва ноёб қўлёзмалар хазиналаридаги буюк аждодимиз мероси намуналарини тўплаш ва ўрганиш имкониятларини очди.

Умуман олганда, қарор илм ва ижод аҳлининг фаолиятида янги саҳифалар очишига шубҳа йўқ. У давлатимиз раҳбари томонидан маънавий тараққиётимизни янги босқичга олиб чиқиш учун ишлаб чиқилган муҳим йўлланмадир.

Нафас ШОДМОНОВ,  
филология фанлари доктори,  
УзА

## ТАБРИКНОМА

### Ҳурматли Шухратхўжа Раҳматжанович!

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги жамоаси Сизни муборак 60 ёшингиз билан чин қалбдан табриқлайди. Сизни кўп йиллик меҳнатларингиз ва босиб ўтган сермазмун умр йўлингизга барча хавас билан қарайди. Ишонч билан айтмамизки, заҳматли меҳнатингиз юртимиздаги кенг қўламли бунёдкорлик ишларига муносиб ўринга эга. Бу борада Сизнинг ўз мактабингиз шаклланиб улгурган десак, муболаға бўлмайди. Бугунги кунда кўп сонли шогирдларингиз жамиятимизнинг турли бўғинларига самарали фаолият олиб боришмоқда.

Ватанимиз равнақи ва тараққиёти йўлидаги машаққатли ҳамда масъулиятли вазифаларни амалга оширишингизга сизга мустақкам соғлиқ, куч-қувват, оилангизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилаймиз.

Нафақат жаннатмакон Ўзбекистонимиздаги кўплаб бино ва иншоотлар, балки фарзандларингиз порлоқ келажаги, бахт-иқболнинг ҳам бунёдкори бўлишингизга тилакхошимиз!



## СТАТИСТИКА

### Юртимизда қурилиш ташкилотлари сони қанча?

Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, шу йилнинг 1 октябр ҳолатига 39,9 мингта қурилиш корхоналари фаолият юритмоқда. Бу кўрсаткич 2019 йилнинг мос давrigа нисбатан 4,2 мингтага кўпайди.



Био ва иншоотлар қурилиши бўйича фаолият юритаётган корхона ва ташкилотларнинг улуши 58,0 фоиз, ни ташкил этди. Мос равишда, фуқаролик объектлари қурилишида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотларнинг улуши 9,4 фоизни ва ихтисослаштирилган қурилиш ишларини бажараётган қурилиш корхоналари улуши 32,6 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистонда жорий йилнинг 9 ойида 7,8 млн. тонна цемент ишлаб чиқарилган. Ўтган йилнинг мос давrigа нисбатан ўсиш суръати 102,6 фоиз ни ташкил этди. Бу ҳақда Давлат статистика қўмитаси томонидан маълум қилинган.

### Ўзбекистонда 9 ойда қанча цемент ишлаб чиқарилган?

Цемент ишлаб чиқариш корхоналари томонидан республика миқёсида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг жами ҳажмида энг юқори улуш Тошкент вилояти 47,2 фоиз, Навоий вилояти 35,5 фоиз ҳамда Фарғона вилояти 11,8 фоиз ҳиссасига тўғри келди.

Маълумот ўрнида, мамлакатимиз 2020 йилнинг 9 ойида Афғонистон, Сингапур, Россия, Хитой, Туркия ва бошқа бир қатор хорижий давлатларга қиймати 24,2 млн. АҚШ долларига тенг бўлган цемент экспорт қилинган.

Ўз навбатида юртимизга Қозғоғистон, Тожикистон, Қирғиз Республикаси, Эрон, Россия ва бошқа давлатлардан қиймати 87,0 млн. АҚШ долларига тенг бўлган цемент маҳсулотни импорт қилинган.

## Миллий меъморчилигимиз ва жаҳон архитектураси намуналаридан воқиф бўлишни истасангиз – «O'zbekiston bunyodkori» газетасига обуна бўлинг!



UZBUNYODKOR

t.me/uzbunyodkor

uzbunyodkori@umail.uz

71-244-15-05

Обуна  
индекси **466**

O'ZBEKISTON  
BUNYODKORI  
Ўзбекистон бунёдкори  
Строитель Узбекистана

Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

Бош директор – Дилшод Жалолов

Тахрир ҳайъати:  
Батир Закиров (Тахрир ҳайъати раиси),  
Козим Тўлганов, Эркин Искандаров, Ботир Заришов,  
Юлдаш Мағрулов, Жамшид Исмаилов,  
Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

Тахририят:  
Бош муҳаррир  
Бош муҳаррир ўринбосари  
Саҳифаловчи  
Мусоҳиҳ

Дилшод Жалолов  
Абдусами Ҳақбердиев  
Акмал Махкамов  
Райҳон Таниқулова

«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:  
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги,  
«Усанотқурилишматериаллари» уюшмаси,  
«УзГАНШКЛИТИ» ДУК, «УзшахарсозликЛИТИ» ДУК,  
«Қишлоқ қурилиш инвести» ИК МЧЖ,  
«УзгеорангметЛИТИ» ДУК.

Тахририят манзили:  
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.  
Телефонлар: 71-244-21-71 (қабулхона),  
71-244-15-13 (қўлиёти), 71-244-22-10 (бухгалтерия),  
71-244-15-05 (реклама ва обуна бўлими).  
E-mail: uzbunyodkori@umail.uz

Вилоят муҳбирлари телефон рақамлари:  
Андижон, Наманган ва  
Фарғона вилоятлари бўйича: 90-278-95-87.  
Қорақалпоғистон Республикаси ва  
Хоразм вилояти бўйича: 97-459-74-85.  
Самарқанд вилояти бўйича: 95-560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-1153. 2114 нускада босилди. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоиси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Корхона манзили:  
Тошкент шаҳри, «Буюк Тўрон» кўчаси, 41.  
Навбатчи муҳаррир – А. Ҳақбердиев.  
Навбатчи – Б. Гўлямов.  
ЎзА яқини – 23.10.Топширилди – 0010.

123456